



СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

PhD, доц. Кенжаев Илхом Ғиёзович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
ORCID: 0009-0006-7581-8793
kenjayev_i@mail.ru

Аннотация. Мақолада суғурта ташкилотлари инвестиция фаолияти сифат ва самарадорлигини ошириш йўллари таҳлил қилинган. Шу билан бир қаторда суғурта ташкилотларининг инвестицион жараёнларда иштирокини янада ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: суғурта, суғурталовчи, суғурталанувчи, инвестиция, суғурталовчининг инвестиция фаолияти, суғурта мукофоти, суғурта захираси, суғурта тўлови.

ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА И ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТРАХОВЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ

PhD, доц. Кенжаев Илхом Ғиязович
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье проанализированы пути повышения качества и эффективности инвестиционной деятельности страховых организаций. При этом были высказаны предложения и рекомендации по дальнейшему расширению участия страховых организаций в инвестиционных процессах.

Ключевые слова: страхование, страховщик, страхователь, инвестиции, инвестиционная деятельность страховщика, страховая премия, страховой резерв, страховая выплата.

WAYS TO IMPROVE THE QUALITY AND EFFICIENCY OF INVESTMENT ACTIVITIES OF INSURANCE ORGANIZATIONS

PhD, assoc. prof. Kenjayev Ilhom Giyozovich
Tashkent State University of Economics

Abstract. In this article, it was analyzed ways to improve the quality and efficiency of investment activities of insurance organizations. At the same time, suggestions and recommendations were made regarding further increasing the participation of insurance organizations in investment processes.

Keywords: insurance, insurer, policyholder, investments, investment activities of the insurer, insurance premium, insurance reserve, insurance payment.

Кириш.

Суғурта ташкилотлари инвестиция фаолияти сифат ва самарадорлигини ошириш ҳар бир молия муассасаси ўз активларини жойлаштиришда истиқболли йўналишларни тўғри танлай олиши билан бевосита боғлиқ. Бундан ташқари, суғурта ташкилоти қачонки ўзининг асосий йўналиши бўлган суғурта фаолиятидан ҳосил бўладиган барқарор молиявий манбаларга эга бўлсагина ўзининг инвестицион фаоллигини ошириш имкониятига эга бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим соҳаларидан бирига айланган суғурта ривожланиб бормоқда. Чунки суғурта ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган суғурта хизматларининг ҳажми, бир томондан, давлатнинг тартибга солиш функцияларининг кучайиши иккинчи томондан, шунингдек рағбатлантириш чораларининг қўлланилиши ёрдамида барқарор равишда ўсиб бормоқда. Суғурта ташкилотлари иқтисодиётда ва ижтимоий ҳаётда борган сари муҳим соҳага айланиб бормоқда.

Суғурта бозори ривожланишининг жадаллашуви бир томондан аҳоли ва ташкилотлар талабининг ошишига ва иккинчи томондан эса, суғурта ташкилотлари томонидан таклиф этилаётган хизматлар хилма-хиллигининг ошишига олиб келмоқда. Бундан ташқари, ихтиёрий суғурта хизматлари билан бирга, сўнгги ўн йиллик давомида амалга киритилган мажбурий суғурта турларининг оммавийлашуви аҳоли ва ташкилотлар ўртасида суғурта тўғрисидаги тушунчаларнинг шаклланишига ва ихтиёрий суғурта хизматлари ҳажмининг ортишига олиб келмоқда. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мажбурий суғурта турларининг амалга киритилиши давлатнинг ушбу соҳадаги ҳаражатларининг камайишига шароит яратмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Суғурта ташкилотлари инвестиция жараёнларда иштирокининг ўрни ва аҳамиятини назарий ва амалий жиҳатлари, унга таъсир этувчи омиллар ҳамда уларнинг эконометрик моделларини таҳлили, прогнозлашни жорий этиш масалалари бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган. Шунингдек, суғурталовчиларнинг инвестиция фаолияти бўйича кўплаб назарий илмий ишлар қилинган ва таърифлар берилган.

Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти юқори риск даражасига эга бўлган соҳалардан бири ҳисобланади. Россиялик тадқиқотчи Балабанова рискка шундай таъриф беради: риск – йўқотишлар хавфининг мавжудлиги; омадга ишонган ҳолдаги ҳаракат (Фролова, 2013). Мур ва Хиарнденлар эса риск – хавф-хатар. Исталмаган ҳодисанинг юз бериш эҳтимоллиги сифатида қаралади ва унинг юз бериши қимматликларнинг йўқотилишига олиб келади, дея таъриф беради (Нуруллаев, 2007) Шарп, Александр, Дейли томонидан тайёрланган “Инвестициялар” номли китобда риск – инвестиция қиймати билан боғлиқ ноаниқлик дея таъриф берилган (Закирходжаева, 2023).

Илмий адабиётларда инвестицион фаолиятнинг қуйидаги жиҳатлари одатда кўпроқ ўрганилади: суғурталовчининг инвестицион потенциални баҳолаш ва инвестицион портфелни моделлаштириш. Тургаеванинг (2017) ишларида суғурталовчи инвестицион потенциалининг кўрсаткичлари тизими ва ушбу кўрсаткичларга таъсир қилувчи омиллар тақдим этилган. Журавканинг тадқиқотида суғурталовчининг оптимал инвестиция портфелини шакллантириш масаласи ўрганилган (2016). Ўзбекистонлик суғурта соҳасидаги тадқиқотчи Маврулова (2023) умумий суғурта соҳасида фаолият юритадиган суғурта компанияларининг инвестиция имкониятларини ошириш масаласини тадқиқ қилган. Тадқиқотларда суғурта компанияларининг инвестиция фаолияти микродаражада ўрганилган ва уларнинг ушбу йўналишдаги келажаги суғурта фаолияти, маркетинг ва суғурта фаолиятини ташкил

қилиш суғурталовчилар даражасида кўриб чиқилган. Биз ушбу тадқиқотимизда суғурта компаниялари инвестицион фаолияти имкониятларини макродаражада суғурта бозори ривожланиши ва унинг динамикаси, тармоқ тузилиши, капитал концентрацияси ва бошқа молиявий бозорларнинг ривожланиши позициясидан туриб тадқиқ қиламиз. Ушбу йўналишлар бўйича суғурта компаниялари инвестицион фаолиятининг истиқболлари асосланган.

Тадқиқот метадологияси.

Тадқиқотда илмий абстракциялаш, гуруҳлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада илмий абстракциялаш усули ёрдамида суғурта ташкилотлари инвестиция фаолияти сифат ва самарадорлигини оширишдаги аҳамияти ва зарурати асосланди.

Шунингдек, миллий иқтисодиётда экспорт ва импорт амалиётининг эконометрик таҳлили статистик математик методлар билан кўриб чиқилди, прогноз қилинди ва баҳоланди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳаёт суғуртасига ихтисослашган шўъба суғурта ташкилотлари сонининг ортганлиги ва узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси бўйича давлат томонидан яратилган имтиёз доирасида узоқ муддатли суғурта шартномалари сонининг кескин ошиши юз берди. Бу эса ўз навбатида суғурта ташкилотлари ихтиёрида катта миқдордаги пул маблағларини шаклланиши натижасида узоқ муддатли инструментларга инвестиция қилиш имконини олиб келди. Суғурта ташкилотлари ихтиёрида катта миқдордаги пул маблағлари шаклланганлигини қуйида келтирилган жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

1-жадвал


Умумий суғурта мукофотлари

т/р	Кўрсаткичлар	31.12.2022		31.12.2023		Ўзгариш (%да)
		млн.сўмда	жамига нисбатан (%да)	млн.сўмда	жамига нисбатан (%да)	
	Умумий суғурта соҳасидаги суғурта ташкилотлари, шу жумладан:	4 707 047	76%	7 737 236	96%	+64,4%
	- <i>мажбурий суғурта</i>	491 276	8%	632 427	8%	+28,7%
	- <i>ихтиёрий суғурта</i>	4 215 771	68%	7 104 809	88%	+68,5%
	Ҳаётни суғурта қилиш соҳасидаги суғурта ташкилотлари, шу жумладан:	1 524 679	24%	322 491	4%	-78,8
	- <i>мажбурий суғурта</i>	26 766	0%	35 645	0%	+33,2%
	- <i>ихтиёрий суғурта</i>	1 497 912	24%	286 846	4%	-80,9%
	ЖАМИ	6 231 726	100%	8 059 726	100%	+29,3%

Манба: www.mf.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланган

Юқорида келтирилган жадвалда умумий суғурта соҳасидаги суғурта ташкилотлари ҳамда ҳаётни суғурта қилиш соҳасидаги суғурта ташкилотлари томонидан мажбурий ва ихтиёрий суғурта турлари бўйича йиғилган умумий суғурта мукофотлари ва уларнинг жами суғурта мукофотларига нисбати келтирилган. Бу ерда умумий суғурта соҳасидаги суғурта ташкилотлари 2022 йил 31 декабрь ҳолатига кўра йиғилган жами суғурта мукофотлари 4 707 047 млн.сўмни ташкил қилган бўлса бу

кўрсаткич 2023 йил 31 декабрь ҳолатига кўра 7 737 236 млн.сўмни ташкил этиб, 64,4 фоиз ижобий ўзгариш бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Шунингдек ҳаётни суғурта қилиш соҳасидаги суғурта ташкилотлари томонидан йиғилган умумий суғурта мукофотлари 2022 йил 31 декабрь ҳолатига кўра йиғилган жами суғурта мукофотлари 1 524 679 млн.сўмни ташкил қилган бўлса бу кўрсаткич 2023 йил 31 декабрь ҳолатига кўра 322 491 млн.сўмни ташкил этиб, 78,8 фоиз салбий ўзгариш бўлганлигини кузатишимиз мумкин.



1-расм. Суғурта бозорида йиғилган суғурта мукофотлари

Манба: www.mf.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланган

1-расмда келтирилган таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкинки, умумий суғурта бозорида фаолият олиб борувчи суғурта ташкилотлари томонидан йиғилган умумий суғурта мукофотларининг ҳаёт суғурта бозорида фаолият кўрсатувчи суғурта ташкилотлари томонидан йиғилган умумий суғурта мукофотлари улушини ошганлигини кўришимиз мумкин. Масалан 2022-йилда суғурта ташкилотлари томонидан йиғилган жами суғурта мукофотлари 6,2 трлн.сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2023-йилда 8,1 трлн.сўмни ташкил этиб, 2022-йилга нисбатан 1,9 трлн.сўм ортиқча суғурта мукофотлари йиғилган. Бу шунингдек англатадики, аҳоли ўртасида йилдан-йилга суғурта маданиятини ошириб бораётганлиги ҳамда потенциал суғурталовчилар сонини борган сари камайиб бораётганлигидан далолат беради. Аҳоли ўртасида суғурта маданияти ошириб бориши суғурта хизматида бўлган талабни ошириши келтириб чиқаради ҳамда суғурта бозорида суғурта мукофотлари тўпланиш кўламини кенгайтиради ва суғурталовчилар ихтиёрида катта миқдордаги молиявий ресурсларини шаклланишига олиб келади. Натижада суғурталовчиларнинг инвестицион жараёнларда иштирокини кенгайтиради. Суғурталовчиларнинг инвестицион жараёнларда иштирокини қуйида келтирилган жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

2-жадвалда суғурталовчилар томонидан 2022-йил 31-декабрь ва 2023-йил 31-декабрь ҳолатига кўра инвестиция объектларига йўналтирилган маблағлар тўғрисида маълумотлар ўз аксини топган. Мазкур жадвал кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, унга кўра суғурталовчилар томонидан йўналтирилган жами инвестициялар 2022-йилда 4 751 745 млн.сўмни, ушбу кўрсаткич 2023-йилда 6 149 938 млн.сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан ушбу кўрсаткич 29,4 фоизни ташкил қилган.


2-жадвал

Суғурталовчиларнинг инвестиция фаолияти

Кўрсаткичлар номи	31.12.2022		31.12.2023		Ўзгариш % да
	млн.сўмда	Жамига нисбатан (%да)	млн.сўмда	Жамига нисбатан (%да)	
Жами инвестициялар шу жумладан:	4 751 745	100%	6 149 938	100%	+29,4%
Депозитлар (омонатлар)	2 896 636	61,0%	4 037 369	65,6%	+39,4%
Қимматли қоғозлар	1 287 917	27,1%	1 357 492	22,1%	+5,4%
Заёмлар	60 776	1,3%	46 864	0,8%	-22,9%
Кўчмас мулк	358 944	7,6%	539 498	8,8%	+50,3%
Ташкилотлар устав фондидаги иштироки	118 221	2,5%	134 728	2,2%	+14,0%
Бошқа инвестициялар	29 252	0,6%	33 988	0,6%	+16,2%

Манба: www.mf.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланган

Шунингдек 2022 йилда суғурталовчилар томонидан банк депозитларига йўналтирилган маблағлар 2 896 636 млн.сўм, қимматли қоғозларга 1 287 917 млн.сўм, заёмларга 60 776 млн.сўм, кўчмас мулкка 358 944 млн.сўм, ташкилотлар устав фондидаги иштироки 118 221 млн.сўм, бошқа инвестицияларга 29 252 млн.сўмни ташкил қилади.



2-расм. Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти

Манба: www.mf.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланган

Ушбу расмда келтирилган таҳлил натижаларида суғурталовчилар томонидан инвестиция объектларига йўналтирилган маблағлар йилдан-йилга ошганлиги ҳамда суғурталовчилар ихтиёрида катта миқдорда пул маблағларини шакланганлигини кўришимиз мумкин. Яъни суғурта ташкилотлари томонидан инвестиция объектларига йўналтирилган маблағлар 2022-йилда 4,8 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2023-йилда 6,1 трлн.сўмни ташкил қилиб, 2022-йилга нисбатан 1,3 трлн.сўм ортиқча инвестиция объектларига бўш маблағлар жойлаштирилган.

Шунингдек суғурта ташкилотлари инвестиция даромадлар миқдорини ошиб бориши уларнинг молиявий жиҳатдан барқарорлигини таъминлайди ва бир вақтнинг ўзида кўрсатилаётган суғурта хизматлар баҳосини пасайишига олиб келади. Суғурта

хизматлар баҳосини пасайтириш имкониятини яратишнинг яна бир йўли сифатида суғурта ташкилотлари ташкилий-хўжалик ҳамда маъмурий харажатларини оптималлаштириш борасида ишлар олиб боришлари бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки мамлакатимиз суғурта ташкилотлари томонидан мазкур йўналишларга қилинаётган харажатлар ривожланган мамлакатлардаги кўрсаткичлардан юқори бўлиб келмоқда.

Мамлакатимизда аксарият суғурта ташкилотлари юқорида келтирилган иккита восита орқали ўзларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга етарли даражада эътибор қаратмасдан, бунинг ўрнига суғурта шартномаларини бир томон суғурта ташкилоти манфаатларини эътиборга олган ҳолда тузмоқдалар. Суғурта ташкилоти томонидан тузилган суғурта шартномалари шартлари суғурта ҳодисаси юз берганда қопламани тўламаслик имкониятини яратиб берадиган ҳолатда ишлаб чиқилмоқда. Бу эса охир оқибатда аҳоли ва ташкилотлар ўртасида суғуртага бўлган ишончсизликнинг сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Статистик маълумотларда ихтиёрий суғурта турлари ҳажмининг ортиб бораётганлиги кузатилаётган бўлсада, бу ихтиёрий суғурта турларининг аксарият қисми учинчи томон манфаатларини кўзлаган ҳолда тузилган ихтиёрий-мажбурий суғурта шартномаларидир. Соф ихтиёрий суғурта шартномалари сонини кўпайтиришга эришишнинг энг асосий шarti суғурталанувчиларнинг суғуртага бўлган ишончини оширишдир. Бунинг учун иккала томон манфаатларини бирдай эътиборга олувчи суғурта шартномаларини суғурта бозорида қўллаш ва суғурта ҳодисалари юз берганда ҳеч қандай тўсиқларсиз ва ўз вақтида кўрилган зарарни қоплаб беришни йўлга қўйиш муҳим ҳисобланади. Бундай шартномаларни қўллашнинг дастлабки даврида суғурта ташкилотлари молиявий ресурсларини самарали жойлаштириш ҳисобига ҳосил бўлган даромад ҳисобидан олинган суғурта мажбуриятларини тўлиқ бажаришга эришишлари мумкин. Суғурта бозорида суғурталанувчилар ишончини қозонишга эришилган сари потенциал суғурталанувчиларни суғуртага жалб қилиш имконияти вужудга келади. Бунинг натижасида суғурталанувчилар сони кўпаяди ва суғурта ташкилотлари ихтиёрида катта миқдордаги пул маблағларини тўпланишига олиб келади ҳамда уларнинг инвестиция қилиш имкониятини кенгайтиради.

Аммо бугунги кунда суғурта захираларини жойлаштиришнинг самарадорлигини оширишга суғурта ташкилотлари томонидан етарли даражада эътибор қаратилмаяпти. Чунки суғурта ташкилотлари ўзларининг ихтиёрида бўлган бўш маблағларининг 90 фоизи даромадлилиги паст бўлган ҳамда ишончлилик даражаси юқори бўлган йўналишдаги инвестиция объектларига йўналтирмоқдалар. Масалан, банк депозитлари ва қимматли қоғозларига йўналтирилган. Шунинг учун потенциал суғурталанувчиларнинг суғуртага бўлган қизиқишини орттиришнинг яна бир муҳим йўлларида бири суғурта бозори инфратузилмаси фаолиятини ривожлантиришдан иборат.

Шунингдек суғурта захираларини инвестиция қўйилма сифатида йўналтиришдан асосий мақсад, суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш эвазига суғурта шартномалари шартларини ўз вақтида бажарилишига эришиш, ҳамда қисқа ва узоқ муддатда ушбу мажбуриятлардан ҳоли бўлган активлар ҳажмини кўпайтиришдан иборат. Суғурта ташкилотлари томонидан инвестиция фаолиятининг самарали стратегиясини ишлаб чиқиш уларнинг рақобатбардошлик даражасини ошишини таъминлайди. Суғурта ташкилоти бундай ҳолатда даромадлилик ва риск ўртасидаги оддий бўлмаган танловни амалга ошириши керак бўлади. Ҳозирги амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, суғурта ташкилотлари томонидан молиявий ресурсларини жойлаштиришнинг рентабеллиги кўп ҳолларда ҳақиқий инфляция даражасидан паст бўлиб, ушбу фаолиятдан олинган даромад билан суғурта ташкилоти ўзининг инфляциядан кўрган зарарини қоплашга муваффақ бўлмоқда.

Ривожланган мамлакатлар суғурта бозорлари билан таққослаганда миллий суғурта бозоримизда ҳаёт суғуртаси хизматлари етарли даражада ривожланмаганлигини кўриш мумкин. Ваҳоланки, ушбу суғурта тармоғи суғурта ташкилотларининг портфель инвестицияларга узоқ муддатли қўйилмаларининг асосий манбаи бўлмоғи керак.

Суғурта бозорида ҳаёт суғуртасидан бошқа суғурта турлари бўйича кўрсатиладиган суғурта хизматлари учун инвестиция фаолиятдан даромад олиш биринчи даражали ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳаёт суғуртасидан ташқари бошқа суғурта турлари бўйича тузиладиган суғурта шартномалари бир йил муддатга тузилади. Ушбу муддат ичида суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта ҳодисаси юз берса суғурта қопламаси тўлаб беришга тўғри келади. Шунинг учун мазкур суғурта турлари бўйича инвестиция объектларига йўналтирилган маблағлар бир вақтнинг ўзида икки хусусиятга эга: ликвидлик ва юқори даромад келтириш хусусиятларига эга бўлиши талаб этилади. Бунда ушбу нисбатнинг оптималлигини таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Ушбу фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, суғурта ташкилоти томонидан активларни жойлаштириш йўналишларини танлашда тузилган суғурта шартномалари бўйича олинган мажбуриятлар, шартнома муддатлари, қабул қилинган рискларнинг хусусиятлари эътиборга олиниши зарур ҳисобланади. Агар суғурта ташкилотларининг хусусий маблағларидан ташкил топган молиявий ресурсларига эътиборни қаратадиган бўлсак, халқаро амалиётда суғурта ташкилотлари бундай ресурсларга нисбатан агрессив инвестиция сиёсатини қўллайдилар. Чунки бу активлар турли фавқулоддаги мажбуриятлардан ҳоли бўлган эркин активлардир. Шу боис суғурта ташкилотлари мазкур маблағларни мумкин қадар юқори даражада даромад келтирувчи инвестиция объектларига йўналтирадилар. Бундай мақсадга эришишда уларга кредит ва қарз бериш фаолияти билан шуғулланиш қўл келмоқда. Чунки ушбу йўналишлар инвестиция фаолиятнинг бошқа йўналишларига нисбатан анча юқори даромадли соҳа ҳисобланади. Ўзбекистонда эса суғурта ташкилотларига мазкур фаолият билан шуғулланиш учун тўлиқ рухсат этилмаган. Фақтгина қарз бериш фаолиятига рухсат этилган бўлиб, бу ҳам фақат чегараланган миқдордаги фоизни ўз ичига олади. Шунга қарамадан суғурта ташкилотлари мавжуд имкониятдан ҳам тўлиқ фойдаланмаяптилар. Чунки мазкур йўналишдаги инвестиция объектларига маблағларни жойлаштириш бошқа инвестиция объектларига нисбатан риск даражаси юқори, ҳамда синчковлик билан фаолият юритишни талаб этади.

Суғурта ташкилотлари инвестиция йўналишидаги сиёсатини шакллантириш учун биринчи вазифа бўлиб, узоқ муддатли мақсадларни белгилаб олиш ва шунга мос суғурта захираларини жойлаштириш билан боғлиқ вазифаларни аниқлаб олиш зарур. Шунга асосан суғурта ташкилоти суғурта бозоридаги чекловларни ҳисобга олган ҳолда риск ва даромадлилик ўртасидаги нисбатни оптималлаштиришни амалга оширади. Шу билан бир қаторда инвестиция сиёсати асосида инвестиция фаолиятини амалга ошириш борасида суғурта ташкилоти ўзини стратегиясини шакллантиради. Ушбу стратегияни шакллантириш жараёнида қонунчилик ва меъёрий база таҳлил қилинади, молия бозоридаги мавжуд ҳолат ўрганилади ва кўпроқ истиқболли бўлган активлар аниқланиб, уларнинг инвестиция стратегияси ва сиёсатига ҳамда суғурта ташкилотини инвестиция портфелини шакллантиришга мос келиши аниқланади. Шунинг учун суғурта ташкилотларида инвестиция фаолиятини амалга ошириш жараёнида бу ҳолат икки қисмдан иборат бўлади. Биринчи таркибий қисми бу молиявий тамойилларни узоқ келажакни ҳисобга олган ҳолда жойлаштиришдан иборат бўлиб, ушбу маблағларни жойлаштириш билан боғлиқ стратегик қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишни кўзда тутди. Иккинчи таркибий қисми эса оператив қисм бўлиб, суғурта захираларининг қисқа муддатли қўйилмаларини назарда тутди ва шунга мос равишда қисқа муддат ичида юқори даромадни таъминловчи, мавжуд портфель активларининг

диверсификациясини таъминловчи қарорлар қабул қилишни кўзда тутди. Шу билан бир қаторда суғурта ташкилоти ичидаги қўйи даражада маълум тамойил турлари ичидан танлаб олинадиган қимматли қоғозларни аниқлаштириш бўйича қарорлар қабул қилиниши мумкин. Бунда шунга эътиборни қаратиш керакки, инвестиция фаолиятини тартибга солишга сон жиҳатидан ёндашув қабул қилинадиган риск ва кўзда тутилган даромад ўртасидаги оптимал нисбатни таъминлаш имконини доим ҳам беравермайди. Чунки сон жиҳатидан ёндашув усулида молиявий инструментни танлаш борасида суғурта ташкилоти учун бир қанча чекловлар мавжуд.

Суғурта ташкилотларини давлат томонидан тартибга солиш, суғурта бозорининг ва шу билан бирга бутун иқтисодиётнинг барқарорлигига ва сифатли амал қилишининг муҳим кафолати ҳисобланади. Бунинг бир қанча сабаблари бор.

Биринчидан, бозордаги маълумотларнинг симметрик эмаслиги. Масалан суғурталанувчилар суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлиги, суғурта маҳсулоти ва унинг сифати тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни олиш имконияти доим ҳам бўлавермайди. Бунинг сабаблари сифатида бир томондан ушбу маълумотларни олишнинг мураккаблик жиҳатларининг мавжудлиги бўлса, иккинчи томондан суғурта ташкилотининг тўловга қобиллигини баҳолаш, активларнинг диверсификациясини аниқлаш каби масалаларда суғурталанувчи мижознинг махсус билимга эга эмаслигидир. Аммо узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта шартномасини тузган суғурталанувчилар узоқ муддат суғурта ташкилоти билан муносабат ўрнатишига ва ўзининг катта миқдордаги пул маблағларини ишониб топшириб қўйиши зарур бўлади. Шу муносабат билан суғурталанувчиларни суғурта ташкилотининг молиявий ресурсларини жойлаштириш фаолияти, тўловга қобиллиги ва барқарорлик фаолияти устидан назорат ўрнатилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчи ҳолат негатив (салбий) характердаги “ташқи самара”нинг мавжудлигидир. Бу билан шуни тушунишимиз керакки, масалан, қайта суғурта ташкилотининг лицензиядан маҳрум қилиниши, бу ҳолат бирваракайига бир нечта суғурта ташкилотининг молиявий ҳолатининг кескин пасайиб кетишига олиб келади. Бундай рискни қайта суғурта ташкилотларининг операцияларини назорат қилиш орқали камайтириш мумкин. Аммо ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи суғурта ташкилотларига бироз бошқача “ташқи самара”га эга бўлиш хусусияти хос. Ҳар қандай суғурта ташкилотида, агар иш берувчи, суғурталанувчи учун суғурта тўловини тўлаб бермаса, бундай ҳолатда ишончсиз активлар кредит ташкилотидан суғурталовчига ўтказилиши унинг тўловга қобиллигига салбий таъсир кўрсатади. Бу ҳолат охир оқибатда суғурталанувчига ҳам таъсир кўрсатади. Шу билан бирга ташқи ижобий самара ҳам мавжуд, масалан бу ҳолат давлат томонидан ижтимоий соҳани ёки фонд бозорини солиқ воситасида ривожлантириш ўрнига суғурта ташкилотига имтиёз бериш билан ривожлантиришни кўзда тутса, бунда ташқи ижобий самара ҳосил бўлади.

Учинчи жиҳати бозорга салбий таъсирнинг монополияси ҳисобланади. Хусусан, шундай ҳолат юз бериши мумкин. Масалан монополист ўз персонали учун нафақа режасини ишлаб чиқади ва уни ўз манфаатлари йўлида амалга киритади ёки ишлаб чиқилган схемадан четга чиқилишига тўсиқлар қўяди. Шундай нафақа режаси ёрдамида монополист ўзидаги мавжуд ресурсларни ўз қимматли қоғозларига жамлаштириши мумкин. Бу билан у фақат ўз манфаатлари йўлида маблағлардан фойдаланиш билан боғлиқ риск даражасининг ошишига йўл қўяди. Шунинг учун суғурталанувчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга суғурта ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш ҳамда суғурта бозорини ривожлантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Масалан, миллий суғурта бозорига чет эл суғурта ташкилотларининг кириш масаласини бозордаги ҳолатдан келиб чиққан ҳолда пухта ўйлаган ҳолда ҳал этиш бозорда ижобий томонга кескин ўзгаришларнинг юз беришига олиб келиши, молиявий маблағларни юқори даражада ошишига олиб келиши мумкин.

Ушбу масалага нотўғри ёндашув, пухта ўйланмасдан суғурта бозорини очиб қўйиш миллий суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини йўқолишига олиб келиши мумкин. Шу боис суғурта фаолиятини назорат қилувчи инспекцияси томонидан суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини тартибга солиб борилиши суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ва сифатли фаолиятини таъминлаш муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, суғурта ташкилотлари инвестиция фаолияти сифат ва самарадорлигини оширишнинг саноқ усули рискни бошқариш имкониятини чегаралаб қўяди. Масалан, ҳаёт суғуртасида бир текис даромад олишни кўзда тутувчи шартномалар бўйича фоиз тўловлари ва аннуитетлар бўйича рискларни бошқариш масалалари бунга мисол бўла олади. Бундай рискнинг катталигини фақатгина ўзида активлар ва мажбуриятларни бошқариш ҳамда жами инвестиция портфелини бошқаришни қамраб олган иммунизация параметрларини тартибга солиш асосида аниқлаш мумкин.

Адабиётлар /Литература/Reference:

Журавка Е.С. (2016) Особенности формирования инвестиционного потенциала страховых компаний. Банковская система: устойчивость и перспективы развития. Сборник научных статей седьмой международной научно-практической конференции по вопросам банковской экономики. Полесский государственный университет, С. 56-59.

Закирходжаева Ш.А. (2023). Ҳаётни суғурта қилиш соҳасини ривожлантириш йўналишлари. и.ф.б.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, Т.:ТМИ -135 б.

Маврулова Н.А. (2023) Умумий суғурта соҳасини ривожлантириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент. А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси.

Нуруллаев А.С. (2007), Ўзбекистонда фермер ва деҳқон хўжаликларини суғурталаш масалалари. Автореф. дисс. ... и.ф.н. – Т.: 28 б.

Тургаева А.А. (2017). Инвестиционный потенциал страховых компаний и оценка их конкурентоспособности // Финансы и кредит. Т. 23. № 2. С. 89—109.

Фролова В.В. (2013). Управление инвестиционной деятельностью Российских страховых компаний. Автореферат дисс на соис. учен. степ. к.э.н. – Краснодар, – с. 27.